

Ҳожиларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган меҳмонхоналар билан яқиндан танишилди



12:31 / 06.05.2022 2193

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси аъзолари Макка шаҳридаги сафарлари давомида юртимиз зиёратчиларига хизмат қилиши мумкин бўлган 5 юлдузли энг замонавий меҳмонхоналарни кўздан кечирдилар.

Муфтий ҳазратлари меҳмонхоналарнинг Ҳарами шарифларга яқин бўлишига, зиёратчиларимиз кундалик беш маҳал намозларни ушбу табаррук масжидларда адо этишлари, муборак сафар давомида фақат роҳат билан ибодат ва дуо-ю илтижолар қилишларига катта эътибор қаратмоқдалар.

Жорий йилда Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррамада беш юлдузли, барча қулайликларга эга бўлган замонавий меҳмонхоналар ўзбекистонлик зиёратчилар учун хизмат кўрсатади, иншо Аллоҳ.

Ташриф асносида Ҳаж делегацияси юртимиз ҳожиларига таом ва ичимликлар тақдим этиш борасида хизмат кўрсатиши мумкин бўлган мутасадди вакиллар билан учрашиб, ошхоналарни саралаш мақсадида уларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Хусусан, улардаги шарт-

шароит, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, покизалиги, таом
пиширадиган замонавий қозон ва ошхона анжомлари кўздан кечирилди.